

ЎЗБЕКИСТОН ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ МИНТАҚАДАГИ ЭНГ ЙИРИК ҲАМКОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 ноябрь куни Осиё тараққиёт банки президенти Масато Канда бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Сўхбат аввалида ОТБ раҳбари мамлакатимиз етакчисини стратегик шериклиكنинг 30 йиллиги ҳамда 2025-2026 йилларда банкнинг Бошқарувчилар кенгашига раислик Ўзбекистонга ўтгани билан табриклади.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурини амалга ошириш доирасида кенг қўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳамкорликда юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзбекистон банкнинг минтақадаги энг йирик ҳамкори бўлиб қолмоқда — қўшма лойиҳалар портфели 15 миллиард доллардан

ошди. Шунингдек, “яшил” энергетика, транспорт, рақамли трансформация, таълим ва бошқа йўналишларда умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Суверен бўлмаган молиялаштириш механизмлари фаол жорий этилмоқда.

ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 2026 йил май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган йиллик йиғилишига тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти бўлажак тадбир доирасида ОТБ билан Кенгайтирилган стратегик шериклик дастурини имзолаш, унда инфраструктурани ривожлантириш, техника ва муҳандислик кадрларини тайёрлаш, хотин-қизлар ва ёшларни янги касбларга ўқитиш, камбағалликни қисқартириш, ипотека бозори ва хусусий секторни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ташаббусини илгари сурди.

Банкнинг йирик миллий ва минтақавий ташаббусларни қўлаб-қувватлашда, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида транспорт, энергетика ва савдо лойиҳаларини илгари суришда фаол иштирок этиши муҳим экани таъкидланди.

ОТБ президенти Масато Канда мамлакатимиздаги кенг қўламли янгиланишлар натижаларини юксак баҳолади ҳамда Янги Ўзбекистонда ортага қайтмас тус олган ислохотлар дастурини амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашишга тайёрглигини билдирди.

ЎЗА

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИДА АҲОЛИ КЎМИР БИЛАН КАФОЛАТЛИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев кўмир қазиб чиқаришда эришилган натижалар ва келгуси вазифалар юзасидан тақдимот билан танишди.

Куз-қиш мавсумида аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа муассасалари ҳамда иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан узлуksиз таъминлаш мақсадида энергетиканинг барча тармоқлари қатори кўмир саноатида ҳам янги лойиҳалар амалга оширилмоқда, ишлаб чиқариш қувватлари ва ҳажмлари кўпайтирилмоқда.

2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумида қарийб 8,7 миллион тонна кўмир қазиб олинб, иссиқлик электр станциялари, бюджет ташкилотлари ва аҳолига етказиб берилди.

Тақдимотда 2025-2026 йиллар куз-қиш мавсумида 10 миллион тонна кўмир ишлаб чиқариш режалаштирилгани маълум

қилинди. Бунинг учун “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти корхоналарининг моддий-техник базаси кучайтирилди, соҳада қўшимча ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти учун шароитлар яратилди.

Президентимиз мавсум давомида аҳолини кўмир билан кафолатли таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берди. Корхоналарни

модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, соҳада бозор тамойиллари ҳамда рақобатни ривожлантириш, махсулот таннархини тушириш муҳимлиги қайд этилди.

Тақдимотда уран йўналишидаги янги инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, геология-қидирув ишларининг қўламини кенгайтириш, замонавий технологияларни жорий қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

Тадбир “ИНСОН ФАХРИ” МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ЭЗГУЛИКНИНГ ОЛИЙ КЎРИНИШИ

Инсонни эъзозлаш, кадр-қимматига ҳурмат билан ёндашиш мамлакатда тинчлик ва бирдамликка хизмат қилади. “Инсон фахри” миллий мукофоти тез ўзгариб бораётган замонда жамиятнинг барқарор ривожига ҳисса қўшаётган, инсонпарварлик ва фидойилик тамойилларига содиқлиги, касбий ҳамда шахсий фаолияти билан бошқаларга намуна бўлаётган юртдошларимизни рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган. Мукофот орқали аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат, инсонийлик ва ёрдам кўрсатиш маданиятини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Куни кеча пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида мамлакатимизда илк бор таъсис этилган “Инсон фахри” миллий мукофотининг тантанали топириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Жамиятда инсонпарварлик қадриятларини қарор топтириш, аҳолини эзгулик ва ҳамжиҳатлик руҳида бирлаштириш “Инсон фахри” миллий мукофотининг устувор мақсадидир. У орқали фидокорона меҳнати ва садоқати билан мамлакатимиз раънақига ҳисса қўшаётган юртдошларимизни муносиб тақдирлаш, улар фаолиятини кенг жамоатчиликка етказиш, турли соҳалардаги ижтимоий, маданий ва маърифий ташаббусларни қўлаб-қувватлаш, меҳр-оқибатни ўз ҳаётий шиориға айлантирган юртдошларимизни эътироф этиш, бир-бирига ёрдам қўлини чўзадиган инсонларни халққа танитиш, улар орқали жамиятнинг бошқа аъзоларининг ижтимоий фаоллигини

ошириш кўзда тутилган. Одамлар ҳаётини ўзгартиришга қодир фидокорона саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш, қаҳрамонлик ва жасорат намунасини тарғиб қилиш ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни кучайтиради. Қалбларда меҳр-шафқат, ҳалоллик ва садоқат каби фазилатларнинг қарор топишига хизмат қилади.

Тадбирда шифокорлар, ўқитувчилар, ижтимоий ходимлар, кўнгилчилар, қутқарувчилар, ижодкорлар ва турли йўналишларда самарали фаолият юритаётган юртдошларимизнинг ҳаёт йўли ва хизматлари эътироф этилди. Тақдирлаш маросимида 11 йўналиш бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга махсус статуетка ва сертификатлар топширилди. Жумладан, “Йил шифокори” номинацияси юксак профессионал маҳорати учун Тошкент давлат тиббиёт университети Болалар кўп тармоқли клиникаси кардиохирургия бўлими кардиохирурги Бобур Тўраевга насиб этди.

Давоми 2-бетда

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОН: ЯНГИ ФОРМАТДАГИ ҲАМДЎСТЛИК

2025 йил 13-17 ноябрь кунлари пойтахтимиз Тошкент яна муҳим тарихий воқеаларга мезбонлик қилди. Биринчидан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Кун тартибига турган қатор долзарб масалалар ва келажақдаги режаларнинг муҳокамаси ва қабул қилинган қарорлар билан бир қаторда йиғилишда Озарбайжон Республикаси Маслаҳат кенгашининг тўлақонли аъзолигига қабул қилинди.



Шундай қилиб, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ягона ташкилотда бирлашди. Натижада Яқин Шарқ ҳамда Европа бозорларига чиқиш учун транспорт йўлаklarини ривожлантириш имконияти кенгайди.

Тарихи, маданияти, дини, маърифий мероси муштарак бўлган ушбу давлатлар ҳамдўстлиги, албатта, минтақада тинчликни барқарорлаштириш ва ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Маслаҳат учрашуви кунлари Ўзбекистон етакчисининг ташаббуси билан барпо этилган Ислom цивилизацияси марказида “Марказий Осиё: умумий маданий-маърифий мерос, умумий келажақ” халқаро

конгресси ўтказилди. Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти (WOSCU), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Марказий Осиё Халқаро институти ҳамкорлигида ташкил этилган конгресс ишида Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистондан илм-фан, таълим, маданият, дин, адабиёт ва санъат намояндalarидан 300 га яқини иштирок этди.

Давоми 3-бетда

ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ТИЗИМИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга ташқи меҳнат миграцияси тизимини такомиллаштириш ва миграция жараёнларини халқаро стандартлар асосида йўлга қўйиш масалалари юзасидан ахборот берилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларни меҳнат қилиш учун чет элга тартибли жўнатиш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишлар туфайли меҳнат бозори диверсификация қилинмоқда, фуқаролар асосан юқори маошли иш ўринларида ишлаш учун хорижга кетмоқда. Натижада 2016 йилга нисбатан чет элда ишлаётган фуқароларнинг сони камайган бўлса-да, улар томонидан юборилган маблаг 3,8 миллиард доллардан 2025 йилнинг ўн ойи якунида 15,8 миллиард долларга етди.

Тақдимотда хорижий меҳнат бозорида малакали мутахассисларга катта талаб борлиги қайд этилди. Ҳозирда 140 минг нафар мутахассисга буюртма мавжуд, ammo тил ва касбий малака бўйича талабларга жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш борасида қилинадиган ишлар ҳали кўплиги кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, меҳнат миграцияси хизматлари тарқоқ бўлгани учун одамлар оворагарчиликка дуч келмоқда.

Шу мақсадда соҳадаги хизматларни тартибга солиш, барча жараёнларини “ягона дарча” тамойили асосида бирлаштириш вазифаси қўйилди.

Тошкент шаҳри Учтепа туманида “Хорижга ишга тайёрлаш маркази”, Термиз шаҳрида “Ягона миграция хизматлари” маркази ташкил этилади. Пойтахтнинг Яшнобод туманида эса халқаро компаниялар билан ҳамкорликда немис ва япон тилларига ўқитиш мактаблари очилади.

Сўнгги йилларда Европа мамлакатларига миграция оқими 4 баробар кўпайгани таъкидланди. У ерда ишлаётган фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди. Айни пайтда қатор Европа давлатлари билан меҳнат миграцияси бўйича келишувлар мавжуд эмас. Президент томонидан тегишли ҳуқуқматларро ҳужжатларнинг имзолаш ишларини жадаллаштириш бўйича топшириқ берилди.

Шунингдек, хорижий давлатларда миграция бўйича атташе ва Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Меҳнат миграцияси агентлиги ваколатхоналарини кўпайтириш, мамлакатимиз ҳудудларида эса виза марказларининг кўчма офисларини очиш режалаштирилган.

Тақдимотда миграция хизматларини рақамлаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

“Хорижда иш” платформасида 25 турдаги хизмат тақдим этилмоқда, жорий йил бошидан буён 524 минг фуқаро онлайн хизматлардан фойдаланган. Лекин хизматларнинг барчаси ҳам рақамлашмаган.

Президентимиз тизимга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали хизмат кўрсатиш жараёнларини янада такомиллаштириш зарурлигини қайд этди. Платформада биометрик идентификация, хориждаги иш ўринларини реал вақт режимида кузатиш, фуқароларга масофавий маслаҳат беришни йўлга қўйиш бўйича режалар ҳақида ахборот берилди. Миграция агентлигида фуқароларга туну кун тезкор ёрдам берадиган ситуацион марказ ташкил этиш таклиф қилинди.

Тақдимотда ноқонуний миграция ва консалтинг хизматлари кўрсатишда фибригарлик ҳолатлари кўпайиб бораётгани кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида халқаро аэропортларда интерактив миграция инфокиоскларини ўрнатиш, лицензиясиз фаолиятни амалга оширган консалтинг ташкилотлари учун жарима миқдорини ошириш таклиф қилинди. Жиноят кодексига ноқонуний миграцияни ташкил этиш ва қўмаклашиш учун жавобгарлик киритиш масаласини ўрганиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни маъқуллаб, меҳнат миграцияси жараёнларини янада қулай, хавфсиз ва шаффоф қилиш бўйича мутасаддиларга қўшимча кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ҚАДРИН ҚАСРИ БУ!

Улуғвор бинолар юртга юз бўлгай, Аждоддан авлодга ёруғ из бўлгай, Қўрганда яшнаган қанча кўз бўлгай, Янги Ўзбекистон битта жисми бу, Ислom оламининг қадрин қасри бу!

Бино бунёд бўлар жон оромига, Бошқаси бўй чўзар шон оромига, Бу қаср қавсардир ақл жомига, Қуришда ўзбекнинг янги асри бу, Ислom оламининг қадрин қасри бу!

Бунда буюкларнинг руҳи устувор, Имом Бухорийнинг номин нури бор, Ким қалб кўзин очса тақвор ва тақвор, Аждодга муносиб элнинг насли бу, Ислom оламининг қадрин қасри бу!

Улуғ Термизийлар, бобо Нақшбанд, Ибн Сино ўйлаган орзуга монанд, Шонли Берунийнинг шонига пайванд, Ўлмас даҳоларнинг ҳаёт дарси бу, Ислom оламининг қадрин қасри бу!

Тарих тилга кирса, олам уйғонар, Қувонч уйғонади, алам уйғонар, Бу даргоҳга кирган одам уйғонар, Миллат муродининг асрий асли бу, Ислom оламининг қадрин қасри бу!

Қуръон қудратини кўрмоқ бўлганлар, Ўзбек ибратини кўрмоқ бўлганлар,

Иймонида собит турмоқ бўлганлар, Элим маърифатин сўнмас шамси бу, Ислom оламининг қадрин қасри бу!

Қадим тарих дин илмин рости шунда, Биринчи Ренессанс бўй-басти шунда, Иккинчи Ренессанс нури дасти шунда, Шонли ўтмишимиз илмий исми бу, Ислom оламининг қадрин қасри бу!

Бунда бугунимиз қамоли бордир, Учтинчи Ренессанс аъмоли бордир, Ёруғ келажақнинг икболи бордир, Ўзбек ўзлигининг кўклам фасли бу, Ислom оламининг қадрин қасри бу!

Улуғлар назари тушган Ватан бу, Дину диёнатда улкан чаман бу, Шукримиз шаклида шеърый суҳан бу, Уч минг йиллик тарих тиниқ насри бу, Ислom оламининг қадрин қасри бу!

Бу очиқ китобдир, ислom китоби, Олам орзу қилган илм шитоби, Юртбоши ниятин жонбахш офтоби, Янги Ўзбекистон янги васли бу, Ислom оламининг қадрин қасри бу!

Маҳмуд ТОИР, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири



Нуктаи назар



Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Кейинги йилларда жонажон Ўзбекистонимизга эътибор ва ҳурмат доираси кенгайиб бораётгир. Илгари муайян мамлакатлар билан алоқа қилган бўлсак, энди БМТга аъзо давлатларнинг деярли ҳаммаси билан дипломатик алоқалар ўрнатилиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Айниқса, дунёнинг энг қудратли давлатлари ва энг нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги улуғвор ишлар, уларнинг натижалари жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда, қойил қолдиришмоқда. Бундан кимлардир хурсанд, кимлардир унчалик мамнун эмас. Бу ҳам табиий ҳолат. Зотан, ҳаёт оқ-қорадан иборат, ҳар бир инсон каби ҳар қандай давлатнинг дўстлари билан бирга рақиблири ҳам бўлади. Бинобарин, ҳаммага бирдай ёқадиган инсонни топиш қийин, бундай давлатни излаш эса ундан-да мушкул.

Хўш, Ўзбекистонимизнинг жаҳон узра обрўси, нуфузи ошиб бораётганининг сабаби нимада? Ахир бундай ҳурматга лойиқ кўрилиш ўз-ўзидан бўлмайдими! Дунёга таъсир ўтказадиган етакчилар билан музокара ўтказадиган давлатлар раҳбарлари ҳам камида ўшалар даражасида, керак бўлса, улардан-да кенг, теран фикрламоғи, позициясини аниқ-тиниқ баён этиби, қатъий ҳимоя қилмоғи лозим. Шундагина улар тан олади ва тенгма-тенг мулоқот қилишга мажбур бўлади.

Худди мана шундай ҳолатларда Президентимизнинг халқаро миқёсда тан олинган лидерлиги, давлат раҳбари сифатидаги кучли сиёсий иродаси, аниқ позициясига эга экани, бу позиция замирида халқимиз манфаати мужассам топгани намоён бўлади. АҚШ давлат раҳбари ижтимоий тармоқларда Президентимиз ҳақида самий, ижобий фикрлар ёзгани бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсати, метин иродаси, тинимсиз сазъ-ҳаракати тўғрйли наинки мамлакатимиз, балки бутун дунё учун аҳамиятли бўлган тарихий воқеалар амалга оширилмоқда.

Бугунги шиддатли, алғов-далғов даврда ўз эътиқодида, сўзида собит туриш, ҳар қандай вазиятда ҳам қатъий позициясига эга бўлиш ва уни ҳимоя қилиш жуда муҳим. Албатта, бу осон эмас. Ана шундай фазилатларга эга кишилар ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади. Бу наинки оддий одамлар, балки давлатларга ҳам тегишли.


Шулардан баъзилари хусусида мухтасар фикр юритамиз.

Куз фасли, яъни сентябрь, октябрь, ноябрь ойларидаги воқеаларга назар солайлик. Президентимиз сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 80 йиллик юбилейи сессиясида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Аҳамиятли томони шундаки, давлатимиз раҳбари ушбу халқаро ташкилот минбариди бу гал ҳам ўзбек тилида — она тилимизда гапирди. Бунинг замирида катта маъно-мазмун бор. Бу билан Президентимиз она тилимиз нихоятда бой, гўзал, жангдор, нафис тил эканини яна бир қарра намоён этди. Бу ўша халқаро анжуманда иштирок этган барча давлатлар вакиллари онгига сингди. Бу ғуруримизни оширади, қалбимизни ифтихор билан тўлдирди.



Бунинг сабаблари маълум: собиқ иттифок даврида БМТ у ёқда турсин, ўз юртимизда — Ўзбекистонимизда бўладиган мажлислару турли тадбирларда она тилимизда гапиролмас эдик. Расмий тадбирлар туғул уч-тўрт кишининг ўзаро гурунгларида ҳам, улардан бири бошқа миллат вакили бўлса, ўшанинг тилида суҳбат қуришга мажбур эдик. Шундай экан, жаҳоннинг энг олий ташкилоти, агар шундай дейиш жоиз бўлса, минбариди она тилимиз жанглаши тарихий воқеа. Зеро, ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини белгиловчи муҳим омиллардан бири унинг тилидир.

Бу воқеанинг аҳамиятини барча юртдошларимиз теран англаб етмаганга



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

мулоқотларда эришилган натижаларга кўра, умумий қиймати 100 миллиард доллардан ортиқ шартномалар ва истикболли лойиҳалар шакллантирилгани ҳақида ёзилди, гапирилди, уларнинг натижалари ҳақида ҳали кўп ёзилади, гапирилади.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси сўнгги қирқ йилда биринчи марта ташкилотнинг Парижда жойлашган қароргоҳидан ташқарида — қадимий Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтгани том маънодаги тарихий воқеадир. Бу халқаро анжуман ҳам давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва сазъ-ҳаракати билан амалга оширилди. Унда 180 дан зиёд мамлакатдан 4600 вакил иштирок этди. Ушбу анжуман ЮНЕСКО Бош конференцияси сессияларида энг кўп вакил қатнашган тадбир сифатида эътироф этилди.

Бу бежиз эмас. Самарқандга келганлар ЮНЕСКО тадбирларида қатнашиш баҳонасида қадимий кентимизнинг ноёб меъморий обидалари ва замонавий Самарқандни, бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўриб кетди. Сохибқирон Амир Темури салтанатининг пойтахти бўлган Самарқандни зиёрат қилиш дунёдаги ҳар бир маърифатли инсоннинг орзусидир. Бу шаҳарга келувчилар сони йилдан йилга кўпайиб бораётгани ҳам шундан далолат беради.

ЮНЕСКО сессияларида Самарқанднинг ёши 3000 йилдан зиёд экани эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Президентимиз ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси очилиш маросимида қайд этганидек, бундай нуфузли анжуманинг Самарқандда ўтказилгани ЮНЕСКОга аъзо давлатларнинг янги Ўзбекистондаги кент кўламли, жадал ислохотлар ва уларнинг натижаларини кўришга қизиқиши, ишончи ортга бораётганидан далолатдир.

Икки ҳафта давомида Бош конференция сессияси мажлислари билан бир қаторда 150 дан зиёд семинарлар, конференциялар, халқаро кўргазмалар ва бошқа тадбирлар бўлиб ўтди. ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясида бир неча муҳим қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Бутунжаҳон туркий тиллар кунини таъсис этиш тўғрисида резолюция қабул қилинди. Бу бутун туркий халқларни (улар 200 миллиондан зиёд) қувонтирди. Ушбу масала Бош конференция сессияси кун тартибига Озарбайжон, Қозогистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон томонидан ЮНЕСКОга аъзо 21 давлат қўллаб-қувватлаши орқали киритилган. Ушбу тарихий қарор айнан Самарқандда қабул қилингани ҳам давлатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ошиб бораётганига яна бир ёрқин мисолдир. Энди барча туркий тили

халқлар ҳар йили 15 декабрда ушбу кунни байрам сифатида нишонлайди.

Самарқандда ўтган ушбу нуфузли анжуманда мазкур халқаро ташкилотнинг янги Бош директори сайланди. Ушбу лавозимга мисрлик олим ва сиёсий арбоб Халид ал-Ананий сайланди. Президентимиз 12 ноябрь кунин Халид ал-Ананийни қабул қилди ва уни янги лавозим билан табриклаб, келгуси фаолиятига муваффақият тилади. 2017 йилдан буён ЮНЕСКОга раҳбарлик қилиб келган Одри Азуле хоним Президентимиз фармонида биноан Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, халқимизнинг бой маданий меросини кенг омма-лаштираш ишларига қўшган катта ҳиссаси учун давлатимизнинг “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

Кузнинг сўнгги ойда мамлакатимизда яна бир тарихий воқеа рўй берди. 13 ноябрь кунин Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида “Марказий Осиё: умумий маънавий-маърифий мерос — умумий келажак” мавзусида халқаро конгресс бўлиб ўтди. Президентимиз конгресс иштирокчиларига табрик йўллади. Унда, жумладан, бундай дейилади: “Мазкур анжуман янги барпо этилган Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида бўлиб ўтаётгани албатта бежиз эмас. Ушбу муазам мажмуада уч минг йилдан зиёд шонли тарих, жумладан, минтақамиз заминиди Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврларини, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти ва келажакнинг мужассам этган ноёб интеллектуал-маънавий масканда Сизлар бу ҳақиқатни яққол ҳис қилишингиз мумкин”.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу марказда ислон цивилизациясига оид ноёб манбалар, илмий тадқиқот ва таълим йўналишлари жамланган. Миллий меъморлик анъаналари ва замонавий архитектура уйғунлигида барпо этилган мазкур маҳобатли мажмуанинг тўрт томонида 34 метрли пештоқлар, ўрта қисмида 65 метрли гўмбаз қад ростлаган.

Халқаро конгресс қатнашчилари ушбу марказ залларини ҳайрат ва ҳавас билан томоша қилди. Замонавий технологиялар асосида тарих “жонлантирилгани” меҳмонлару меҳмонларни лол қолдирди. Марказдаги маълумотлару шароитларни кўрган киши мўъжизалар оламига тушиб қолгандай ҳис этади ўзини. Дарҳақиқат, бу ердаги ҳар бир залда, ҳар бир йўлакда, қисқаси, ҳар қадамда мўъжизага дуч келасиз...

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари формати йўлга қўйилган эди. Мазкур Маслаҳат учрашувининг еттинчиси 15-16 ноябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтди.

Учрашувга раислик қилган Президентимиз минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш бўйича қатор муҳим тақлифларни

илгари сурди. Саммитда Озарбайжон Республикаси Маслаҳат учрашувлари форматида тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

БМТнинг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий маркази раҳбари Коха Имнаде БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг мурожаатини ўқиб эшиттирди.

Учрашув арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақола-си эълон қилинди. Унда минтақамиз давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги натижалари аниқ мисоллар асосида таҳлил қилинган, келгусидаги вазифалар белгилан берилган. Мақолада, жумладан, бундай сатрлар бор: “Маслаҳат учрашувлари формати йўлга қўйилган 2017 йил минтақавий ҳамкорлик тарихида туб бурилиш ясади. Минтақа етакчилари кўп йиллар мобайнида биринчи марта ташқи воситачиларсиз тизимли ва мунтазам мулоқотни бошладилар. Бу ишончга, очиклик ва умумий манфаатларни англашга асосланган янги сиёсий тафаккур рамзига айланди. Айнан Маслаҳат учрашувлари доирасидаги мулоқот тўғрйли эски даврдан қолган бир қатор келишмовчиликларни бар-тараф этиш ва ишончсизликдан ҳақиқий ҳамкорликка ўтишга эришилди”.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг доимий учрашувлари, ўзаро очик мулоқотлари нақадар юксак натижалар бераётганини, улар минтақамиз аҳолиси манфаати учун хизмат қилаётганини халқларимиз ўз ҳаётида кўриб турибди. Бу ҳамкорлик давлатларимиз тараққиётида ҳам ўз йодасини топмоқда. Зеро, халқимизнинг “Бирлашган ўзар” деган ҳикматида теран маъно-мазмун мужассам.

Марказий Осиё давлатлари Президентлари — Шавкат Мирзиёев, Қосим-Жомарт Тоқаев, Имомали Раҳмон, Садири Жапаров ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 15 ноябрь кунин Ислон цивилизацияси марказига таширф буюрди. Олий мартабали меҳмонлар “Ислондан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс”, “Иккинчи Ренессанс” ва “Янги Ўзбекистон — янги Ренессанс” бўлимларини кўздан кечирди.

Қисқаси, бу йилги куз мамлакатимиз ҳаётида унутилмас, тарихий воқеаларга бой бўлди. Шуниси аёнки, тинчлик-хотиржамлик бор юртда ана шундай қувонарли, бутун жаҳон эътиборини тортадиган ва ҳавасини келтирадиган тадбирлар ўтказилди. Ўзбекистонимиз ана шундай юрт — “Олани маҳлиё айлаган диёр” (А.Орипов). Шунинг учун бу юртда тараққиёт бор, келажакка ишонч бор. Бу юртда барча сазъ-ҳаракатлар инсон манфаатларига, унинг бахтли, фаровон яшашига йўналтирилган.

Тадбир

“ИНСОН ФАХРИ” МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ЭЗГУЛИКНИНГ ОЛИЙ КЎРИНИШИ

Бошланиши 1-бетда

Ҳозиргача мингдан ортиқ жарроҳлик амалиётини бажарган болалар кардиохирурги бу йил августда олти ёшли болада юрак бўйича камёб операция ўтказган.

— Боланинг юрагидаги зарарланган уч тавақили клапани олиб ташлаб, ўрнча юракнинг ўп бўлмачаси қўлоқчасидан клапан ясаш амалиётини ўтказгандик. Ўзбекистонда илк бор амалга оширилган бу мураккаб операция муваффақиятли ўтди. Бемор бола тез соғайиб, кундалик ҳаётга қайтди, — дейди шифокор. — Яқинда Тиббиёт ходимлари кунин муносабати билан “Шухрат” медалига муносиб кўрилди. Навбатдаги эътироф, албатта, мени қувонтирди. Шу билан бирга, зиммамга катта масъулият юкломасда. Бу мукофот фаолиятимизни янада тақомиллаштириб, мамлакатимиз тиббиётини юқори даражага кўтаришга руҳлантиради.

Кўп йиллик намунали меҳнати ва одамларга бегараз ёрдами учун, хусусан, зўравонликка учраган аёлларни ҳимоя қилиш мақсадида махсус “Раҳмдиллик” бошпанаси ташкил этган шифокор Бибисора Арипова “Меҳр йўли” номинациясига лойиқ кўрилди. Шунингдек, “Шахсий ютуқ” номинацияси билан 23 ёшли педагог, халқаро кимё олимпиадасининг қумуш медали

совриндори Моҳира Болтаева тақдирланди. Бугун унинг ўқувчилари ҳам халқаро олимпиадаларда юксак натижаларга эришмоқда.

Ғолиблар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Муҳими, уларнинг ҳар бири фидойилик, меҳр-муҳаббат, эзгулик тим-соли бўлиб гавдаланди. Совриндорларга “Инсон фаҳри” миллий мукофоти статуэткиси, дипломи ва 20 миллион сўм пул мукофоти топширилди.

Тадбир доирасида номзодлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида тайёрланган ҳужжатли видеолавҳалар намойиш этилди. Дилбар куй-қўшиқлар йиғилганлар кайфиятига ҳушудлик улашди. Қаҳрамонлик ва инсонпарварлик кўлами, унинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги фикр-мулоҳазалар иштирокчилар қалбиди меҳр-шафқат, ҳалоллик ва сadoқат туйғуларини оқсаттирди.

Тантанали маросимда Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя бўйича маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансурбек Оллоёров, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Шаҳноза Мирзиёева иштирок этди.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Кун мавзуси

Дунё жамоатчилиги диққатини бир нуқтада жамлаш, ҳеч бўлмаганда, бир йилда бир марта халқаро ҳамжамият эътибори марказида бўлиш бугун ҳам кўпчилик давлатлар учун катта мақсад. Зеро, дунё нигоҳи унга қадалиши учун шунга арзигулик воқеали бўлиши зарур. Бу заруратнинг аҳамияти шундаки, халқаро эътибор бугунги нотинч, иқтисодий бекарорлик замониди ўша заминнинг тинчлик ва тараққиёти барқарор эканидан далолат беради. Янги ҳамкорлар топиш, йирик лойиҳаларни бошлаш, янада тараққий этиш учун замин яратди.



Зебинисо РАҲМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Шу маънода, кейинги пайтларда мамлакатимиз нафақат халқаро жамоатчилик эътиборини ўзига қаратаётгани, балки дунё “Янги Ўзбекистон руҳи” билан яшаётгани кўп яхши жиҳатлардан далолат беради. Узоққа бормайлик, охириги йиғирма кун нари-берисида юртимизга 10 га яқин давлат Президентлари, кўплаб халқаро ташкилотлар раҳбарлари таширф буюрди. Улар билан турли форматларда ўтказилган



ЎЗБЕК КЕЛАЁТИР ТАРИХ ҚАЪРИДАН...

мулоқотларда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга доир кўплаб келишувларга эришилди, муҳими, бу жараён узвий давом этмоқдаки, дунё Ўзбекистондан нигоҳини уза олмаयпти.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви фикримизга яққол мисол. Зеро, учрашув минтақанинг кейинги тараққиёти, дўстлик ва биродарлик алоқалари мустаҳкамлиги, давлатларнинг тенг имконияти, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг янги босқичга чиқишига хизмат қилувчи қарор ва келишувларга бой бўлди.

Давлатимиз раҳбари саммит аввалида Озарбайжон Маслаҳат учрашувлари форматида тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилганини мамнуният билан эълон қилди. Ушбу қарор ҳам минтақа ривожиди муҳим аҳамият касб этади.

“Моҳиятан биз Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида мустаҳкам кўприк барпо этмоқдамиз, ҳамкорликнинг ягона маконини шакллантиришга йўл очмоқдамиз. Бу икки минтақанинг стратегик боғлиқлиги ва барқарорлигини кучайтириши шубҳасиз”, деди Президентимиз.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Марказий Осиё давлатларининг қардош Озарбайжон билан муносабатлари мустаҳкамланди. Жумладан, минтақани Европа билан боғловчи ўрта йўлак — Транскаспий транпорт йўлига ўтказувчанлигини ошириш борасида ўзаро ҳамкорликда самарали ишлар қилинмапти.

Ўзбек ва озарбайжонларни минг йиллик дўстлик-биродарлик, қардошлик алоқалари боғлайди. Давлатларимиз умумий тарих, тил ва маданий меросга эга. Бу ҳам халқларимизнинг иноқлиги ҳам ҳисса қўшмоқда. Айниқса, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. 2022 йилда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар стратегик

шериклик даражасига кўтарилди. Бунда икки давлат Президентларининг сазъ-ҳаракатлари муҳим роль ўйнайди.

2020 йилда узоқ вақт уруш ўчоғи бўлиб келган Қорабоғ ҳудудида қайта тиклаш бошланди. Бу савобли ишлардан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон ҳукумати ҳам четда қолмади. Хусусан, Ўзбекистоннинг моддий-маънавий кўмағи билан 2023 йил август ойда Фузулий шаҳрида 600 нафарга яқин ўқувчи таҳсил оладиган Мирзо Улуғбек номидаги мактаб қурилди. Давлатимиз раҳбарининг Озарбайжонга охириги таширфи доирасида эса Боку шаҳрининг Оқшаҳар мавзесида “Ўзбекистон” боғига тамал тоши қўйилди.

Умуман олганда, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви минтақа тинчлиги, ҳамкорлиги ва тараққиёти ривожини янги босқичга олиб чиқишга асос бўлувчи қарорлар қабул қилинган, давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч муҳитини янада кучайтиришга замин яратгани билан аҳамиятли.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг бунёд этилиши Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг халқларимиз диний ва миллий қадриятларига қаратган юксак эътибори ва садоқати тимсоли бўлди.



Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ,
Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президентининг конгресс иштирокчиларига йўллаган қутлови тадбир иштирокчиларини тўлқинлантириб юборди. Унда, жумладан, бундай дейилганди:

“Бугунги мураккаб даврда, дунёда зиддият ва можаролар кучайиб бораётган бир пайтда, тарихдан сабоқ олиш, тинчлик ва барқарорликни асраш, барча соҳаларда илм ва маърифатга таяниш, халқлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш ҳамда цивилизациялараро мулоқотни ривожлантириш энг долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш, гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган бугунги форум илмий ва маданий мулоқот учун самарали майдонга айланади”.

Озарбайжон маданият вазири Одил Каримлининг айтишича, Ўзбекистон Президентининг халқлар конгресс иштирокчиларига йўллаган мурожаати илм-маърифатнинг бугунги ҳаётимиздаги ўрнини таъкидловчи кучли ва руҳлантирувчи эслатма бўлди. Маънавий меросни асраб-авайлаш ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга ургу берилиши Озарбайжоннинг расмий позициясига тўлиқ мос келади. Халқлар конгресс мамлакатларимиз илмий ва маданий ҳамкорликни чуқурлаштиришга интилишини яна бир бор тасдиқлади. Форум натижалари қўшма ташаббусларга, гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга янгича суръат бағишлади.

Конгресс халқаро ташкилотлар, дипломатия корпуси, илмий ва маданий муассасалар вакиллари, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Озарбайжондан келган олимлар ва санъат арбобларини ягона платформага қорлади.

— Ўзбекистонда Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилиши тарихий воқеадир, — дейди Озарбайжон Фанлар академияси Археология ва антропология



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОН: ЯНГИ ФОРМАТДАГИ ҲАМДЎСТЛИК

институту раҳбари Фарҳат Гулиев. — Бу ерда умумий маданиятимиз чуқур илм-фан ва таълимга асосланганини кўрдик. Мен Ўзбекистон Президентига ҳар доим тан берганман. Унинг ташаббуси билан бугун туркий дунёда янги Уйғониш даври бошланмоқда. Ҳозир умумий мақсадимиз бу марказ орқали ўзбек, озарбайжон, қозоқ, туркман, тожик ва қирғиз ёшлари ўзларини ягона маданий макон ва ягона мафкуранинг бир қисми деб билиши учун уларни интеграциялашдир. Қорахонийлар давридан то Салжукийларгача бўлган буюк меросимизни ўрганишда ҳамкорлик қилиш, хисса қўшишга тайёرمىз. Марказнинг мақсадлари жуда эзу ва биз уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Уч кун давом этган ушбу нуфузли анжуманда 30 дан ортиқ тадбир, учрашув, давра суҳбати, шўъба йиғилиши, кўргазма, намоиш, тақдиротлар ўтказилди.

Ислом цивилизацияси маркази экспозициялари билан танишув, ялпи ҳамда секцияларда ўтказилган йиғилишларда янграган фикрлар ҳамда тақдиротлар қардош республикалар заиёлилари вакилларидаги умумий маданий-маърифий мерос, умумий тарихга дахлдорлик туйғуларини янада мустаҳкамлади, самимий фикр алмашинувлар, келажда ҳамкорликда амалга ошириладиган илмий-амалий режалар тузишга кенг имконият яратди.

Тадбир иштирокчиларининг фикрлари бунга яққол тасдиқланди.

— Ушбу конгресс қадимдан Марказий Осиёнинг буюк санъат ва маданият арбобларини илҳомлантирган ва бирлаштирган буюк умумий маънавий меросимизни бутун дунёга эслатиш учун чинакам ноёб ва тарихий имконият бўлганига кин дилдан ишонаман, — деди Қозоғистон Миллий Фанлар академияси вице-президенти Асқар Жумадилдаев. — Президент Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлагандек, минтақамиз ҳаммиша жаҳон цивилизацияси, илм-фан ва маданиятининг муҳим маркази бўлиб келган. Бугунги кунда ана шу бебаҳо маданий аънаоларни асраб-авайлаш, халқларимиз ўртасидаги қардошлик ва яхши қўшничилик ришталарини изчил мустаҳкамлаш йўлида кучларимизни бирлаштириш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этаётди.

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё: ягона маънавий-маърифий мерос — умумий келажак”

халқаро конгресси иштирокчиларига йўллаган мурожаатида билдирилган фикрлар юксак эътирофга молик, — дейди Тожикистон маданият вазири Матлубахон Сатторийев. — Унда минтақамизнинг асосий қадриятлари — тинчлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, цивилизациялараро мулоқотни мустаҳкамлаш масалалари яққол акс этган. 300 дан ортиқ олим, тадқиқотчи ва маданият арбобини жамлаган конгресс умумий маънавий меросимизни асраб-авайлаш борасидаги муштарак муҳомаалар учун муҳим майдон бўлди. Ишончим комилки, форум натижалари минтақамиз мамлакатлари ўртасида маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, таълим соҳасидаги умумий ташаббусларни илгари суриш учун хизмат қилади.



15 ноябрь кун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг VII Маслаҳат учрашувида қатнашаётган Президентлар Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказига ташриф буюрди.

Озарбайжон Президенти Имомалӣ Алиев, Тожикистон Президенти Эмомалӣ Раҳмон, Қирғизистон Президенти Сади́р Жапаров, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида мусулмон оламининг бебаҳо маънавий дурдонаси — Усмон Мусхадиф сақланаётган Қуръони карим зали, Исломдан аввалги давр, Биринчи Ренессанс, Иккинчи

Ренессанс, Янги Ўзбекистон экспозициялари билан танишди.

Ташриф давомида ушбу марказ ислом цивилизациясининг бебаҳо меросини асраб-авайлаш ва тарғиб қилишга бағишланган ноёб манбалар, илмий тадқиқот ва таълим йўналишларини бир жойга жамлаган илк мажмуа экани яна бир бор таъкидланди. Қардош мамлакатлар етакчилари минтақа мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий лойиҳаларни илгари суриш ва умумий гуманитар қадриятларни ривожлантириш муҳимлигини қайд этди.

Ўзбекистоннинг минтақанинг бой умумий меросини сақлаш ва тарғиб қилиш борасидаги кенг қўламли савб-ҳаракатларига

марказининг ташкил этилиши динимизнинг чинакам маънода илм-маърифат, бағрикенглик, инсонпарварлик ғояларини яққол намоён этади.

— Ҳозир халқларимизнинг тарихий-маданий меросига таянган ҳолда минтақавий ўзликини мустаҳкамлаш жуда муҳим, — деди Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев. — Ислом цивилизацияси — улкан, нодир, илмий, туристик ва этномаданий лойиҳадир. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан очилган ушбу марказ Тошкентда муҳим илмий тадқиқотлар учун умумий майдонга айланиши мумкин.

Шу кун Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон Президентлари Президентимиз қарори билан таъсис этилган “Келажак мероси” халқаро мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимида ҳам иштирок этди.

Ушбу халқаро мукофот адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим ва рақамли технологиялар соҳаларида катта ютуқларга эришган маҳаллий ва хорижий ижодкорларни рағбатлантиришга қаратилган.

Ҳайрат қарорига кўра, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) бош қотиби, Қирғизистон халқ ёзувчиси Султон Раев “Адабиёт”, Тожикистон халқ шоири Давлат Сафарзода “Маданият”, М.Авезов номидаги Қозоғистон Миллий драма театри актёри Еркебулан Дайыров “Театр ва кино”, Озарбайжон халқ артисти Олим Қосимов “Музыка ва рақс”, Туркманистон халқ артисти Бабаасари Аннамирадов “Ташвирий ва амалий санъат”, Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик ҳузуридаги халқаро марказ директори ўринбосари, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори Дилфуза Эгамбердиева “Фан, таълим ва рақамли технологиялар” номинацияларида танловнинг илк ғолиблари бўлди.

Етакчилар ҳузурида лауреатларга мукофот статуэткаси, диплом ҳамда 10 миң долларлик пул мукофоти топширилди. Давлат раҳбарлари совриндорлар билан суратга тушди.

Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон ўзининг қадимий тарихи, бетакор маданияти ва бой маърифий мероси билан дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди. Бу ҳақиқат Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви ва халқаро конгресс давомида бир неча бор таъкидланди.

— Бу конгрессни инсоният цивилизациясидаги чинакам муҳим воқеа деб биламан, —

деди Қозоғистон Миллий қизлар педагогика университети Сейфулла номидаги илмий кутубхонаси директори ўринбосари Лапо Петр. — Ўрта аср Европаси қадимги дунё ҳақидаги билимларни айнан шу ердан, Марказий Осиёдан олган. Шу боис, ислом маданияти ва цивилизацияси ғоялари бутун дунёда тўғри тушунилиши учун уни тарғиб қилиш бугунги кунда жуда муҳим. Ўзбекистон Президентининг маданият, санъат, адабиёт ва умуман, бутун ислом олами ривожига янгича туртки берган бу ташаббуси менда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Ишонаманки, Ислом цивилизацияси маркази фаолияти халқларнинг бир-бирини яхшироқ тушунишига ёрдам беради ва шу орқали бутун инсониятнинг барқарор ривожланишига хисса қўшади.

“Марказий Осиё: умумий маданий-маърифий мерос, умумий келажак” халқаро форуми минтақа мамлакатлари бирдамлиги, умумий қадриятларини мустаҳкамлаш ва келажак авлодлар учун буюк келажак яратиш йўлида муҳим қадам бўлди.

Салкам 100 миллион аҳолига эга минтақа халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётгани Президентимизнинг кенг қўламли ташаббуси, савб-ҳаракатларининг амалий натижаси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё ва Озарбайжон миқёсида илм-фан, маданият ва маърифат, адабиёт ва санъат, фан-таълим ва ахборот технологиялари вакиллари иштирокида бу қадар йирик анжуман илк бор ўтказилди. Анжуман нихосида конгресс иштирокчилари томонидан махсус декларация қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази эшикларини нафакат Ўзбекистон, балки хориқлик олимлар, мутахассислар учун ҳам доимо очиқ бўлиши, бу ерда илмий тадқиқотлар қилиш, ўзаро ҳамкорлик учун барча шартлар яратилишини таъкидлаган эди. Бугун ана шу фикрлар рўёбини кўряпмиз.

Ишонч билан айтиш мумкинки, дунёда ўзаро қарама-қаршиликлар, турли диний, миллий, сиёсий зиддиятлар даврон этаётган бир пайтда минтақамизда барча жаҳонларда ҳамкорлик ва бирдамликнинг қарор топиши мамлакатларимиз тараққиётда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўз ишини яқунлаган конгресс ҳам ана шу ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ифодаси бўлди.

Муносабат



Холматжон КОМИЛОВ,
Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгаши раиси

МАҚСАДИ ВА КЕЛАЖАГИ БИР МИНТАҚА

Марказий Осиёда яшаётган халқларни бир-бирига боғлайдиган ришталар кўп. Бир дарёдан сув ичган элларимизнинг миллий ва диний қадриятлари, урф-одати яқин. Бир вақтлар бу ўлмас аънаоларга рахна солиб, халқларимизни бир-бирига душман қўрсатишга уринишлар бўлди. Ниҳоят жигаргўшасининг қувончли кунига шерик, қийналган дамларда елкадош бўллоймай, чегарадан ортга мунгли боққан қора кўзлар дуоси ижобат топди. Янги Ўзбекистонда халқ дипломатияси устуворлик касб этди. Том маънода инсон қадри юксалди.

Президентимиз раислигида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 16 ноябрь кунини бўлиб ўтган еттинчи Маслаҳат учрашувини кузата туриб, ўша дамларни яна бир бор эсладим. Минтақада давлатлараро ҳамкорлик, дўстлик янги босқичда намоён бўлганини кўриб, барча Марказий осиеликлар каби мен ҳам қувондим.

Бир муҳим жиҳат: Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Қамбарота ГЭС-1 қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”, 2024 йил июнь ойида ўса лойиҳани рўёбга чиқаришга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги идоралараро битим имзоланди.

Давлатимиз раҳбари ва қўшини давлатлар етакчиларининг сиёсий иродаси билан амалга ошган бу савб-ҳаракатлар Фарғона водийсининг ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳудудига айланишига хизмат қилмоқда. Халқимиз бежиз “Бирлашган ўзар”, “Куч — бирликда” демаган. Биродарлик, барча масалаларни баҳамжиҳат ҳал этиш, янги ғоя ва ташаббусларни илгари суриш, халқаро муносабатлар, савдо ва туризм, ёшлар таълим-тарбияси, қишлоқ ҳўжалиги, саноатни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масаласидан.

Кейинги йилларда икки томонлама форматда йирик қўшма лойиҳаларни

молиялаштириш учун Ўзбекистон — Қирғизистон ва Ўзбекистон — Тожикистон инвестиция фондлари ишга туширилди. Янги молиявий институтлар доирасида автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик саноати, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга киришилди. Мисол учун, Бешарик туманининг Тожикистон билан чегара ҳудудида “Андархон” минтақавий савдо-логистика кластери барпо этилмоқда. Замонавий мажмуада 200 дан зиёд объект — ишлаб чиқариш цехлари, дўконлар, меҳмонхоналар, банк ҳамда логистика маркази ташкил этилади. Кенг қамровли бундай жараёнларни импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш, Марказий Осиёнинг саноат инфратузилмаси барқарорлигини таъминлаш борасида ташланган дадил қадам деяр эътироф этишга ҳақлимиз.

Вилотимизда туризм оқимини янада ошириш мақсадида турли йўналишдаги сайёҳлик масканлари ташкил этиш бўйича янги лойиҳалар кўпайди. Атрофи пурвиқор

тоғлар билан ўралган Сўх тумани сўлим табиати қўйнида дам олишининг ўзига хос гашти, таровати бор. Кейинги йилларда кўҳна маскан ҳаёт тарзи, гўзал табиати билан яқиндан танишмоқчи бўлган савҳатчилар учун янги имкониятлар тақдим болли лойиҳаларни амалга оширишга кирилди. Мисол учун, Бешарик туманининг Тожикистон билан чегара ҳудудида “Андархон” минтақавий савдо-логистика кластери барпо этилмоқда. Замонавий мажмуада 200 дан зиёд объект — ишлаб чиқариш цехлари, дўконлар, меҳмонхоналар, банк ҳамда логистика маркази ташкил этилади. Кенг қамровли бундай жараёнларни импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш, Марказий Осиёнинг саноат инфратузилмаси барқарорлигини таъминлаш борасида ташланган дадил қадам деяр эътироф этишга ҳақлимиз.

Вилотимизда туризм оқимини янада ошириш мақсадида турли йўналишдаги сайёҳлик масканлари ташкил этиш бўйича янги лойиҳалар кўпайди. Атрофи пурвиқор

қулай шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор берилмоқда. Маҳаллий ва хорижий инвесторларни ҳудудга қорлаш, Шоҳимардон қишлоғида йирик туризм зоналари ташкил этиш, транспорт соҳасида қўшмча шароит яратиш, экстремал туризмни ривожлантириш борасида янги лойиҳалар амалга ошириляпти. Ишга солинмаган имкониятларимиз кўп, албатта. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви бунинг учун янги имкониятлар эшигини очиб берди. Бир мақсад йўлида ҳамжиҳат, ҳамкор бўлишимизга даъват этди.

Фарғона — Буюк ипақ йўли чорраҳасида жойлашган қадимий гўша. Тарих чархпалағи бу минтақага яна бир масъулиятли юкни — халқлар дўстлиги ва жипслигини таъминлаш вазифасини қўйяпти. Бу йўлда барчамиз бир бўлиб, таъбир жоиз бўлса, бир мушт бўлиб иш кўришимиз ҳар жиҳатдан аҳамиятли. Зеро, бугунги нотинч дунёнинг ўзи ана шундай бирдамликни, эзу ғоялар атрофида бирилашиш ва меҳру саховатини талаб қилмоқда.

Шу кунларда дунё ҳамжамияти эътибори Ўзбекистонга қаратилган. Чунки сўнгги йилларда муштарак мақсад, яқин дўстлик ва ҳамкорлик, ахил қўшничилик муносабатларини намоён этаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари яна бир бор азим Тошкент шаҳрида жам бўлди. Олий даражадаги учрашувлар, тadbирлар, хусусан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувини нафақат қўшни юртлар, балки жаҳон мамлакатлари катта қизиқиш билан кузатди. Бир неча кун давомида халқро майдон эътиборида турган мазкур йирик тadbир хориж оммавий ахборот воситалари орқали ҳам кенг ёритилди.

Бугун Марказий Осиё давлатлари бирлашиб, бир кучга айланётгани, битта минтақа сифатида имкониятларини бирлаштираётгани, натижада катта мақсадларга эришаётгани ҳақида барча гапирмоқда. Минтақага жадал ривожланиётган истиқболли майдон, умумий макон сифатида қаралапти. Яъни азалдан тили, маданияти, қадриятлари ўхшаш бўлган қўшни давлатлар бугун дунё кўз ўнгида биргаликда ривожланиш йўлида жипслашмоқда.

Бунда давлатимиз раҳбарининг хиссаси катта эканини дунё мамлакатлари ҳам эътироф этапти. Бонси, бундан ўн йиллар олдин биз қардош халқлар, қўшнилариимиз билан дўстона муносабатлар ҳақида бонг уриб, азалдан яхши муносабатларимиз борлигини гапирсақ-да, амалда чегараларимиз ёпиқ, баъзилари билан бордин-келди узилган, иқтисодий муносабатлар ҳам ҳаминқадар эди. Бир минтақа эканимиз айтилса-да, ҳамма ўзича, ўзи учун ҳаракат қиларди.

Президентимиз сазй-ҳаракатлари билан Марказий Осиё давлатлари охириги йилларда бир-бирига яқинлашди. Мақсадлар умумий-лашиб, биргаликда ҳаракат босқичига ўтилди. Янги босқичнинг энг муҳим ютуқларидан бири эса чегара масалалари узил-кесил ҳал этилгандир. Ўзбекистон қўшни давлатлар билан боғланидиган барча чегараларни очди. Доим тилда айтилган дўстлик, ҳамжиҳатлик муносабатлари амалда бўй кўрсата бошлади. Қардош халқлар бир бутун макон, энг ишончли дўстларга айланди. Жаҳон майдонида ҳам умумий минтақа сифатида ўз сўзи, ўз ўрнини мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 13 ноябрь куни “Янги Ўзбекистон” газетасида эълон қилинган “**Марказий Осиё янги давр остонасида**” мақоласида таъкидлаганидек, бугунги кунда глобаллашув, зиддиятларга тўла замонда Марказий Осиё ўзининг бирлашуви, жипслашуви билан янги моделни намоёйиш этмоқда. “**Марказий Осиё ўз тараққиётининг янги, тарихий аҳамиятга моллик босқичига қадам қўймоқда. Бугун биз чинакам бирдамлик босқичига ўтпмиз. Бизнинг минтақамизда узоқ йиллар давомида илк бор биргаликда олдинга қараб боришимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити шаклланимоқда**”, дейилади мақолада.

Айни шу жиҳат Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг юртимизда 16-17 ноябрь кунлари бўлиб ўтган еттинчи Маслаҳат учрашувида ҳам яққол кўзга ташланди. Йирик тadbирга тайёргарликнинг ўзиёқ кишида ўзгача ҳиссиётларни уйғотди. Ўша санадан бир неча кун олдин пойтахтимиздаги Янги Ўзбекистон боғи томон йўлим тушганди.

Кейинги йилларда қурилган кенг, равон йўл бўйлаб борарканман, ҳар гал икки томонда қад ростлаётган янги биноларни кўриб ҳайратга тушаман. Бунёдорлик ишлари, шахримизда кўрк бераётган замонавий масканлар мени гурулантиради. Кузнинг сўнгги ойи бўлиши, бир неча кун аввал яхшигина салқин кузатилганига қарамай, йўлак бўйлаб экилган ранг-баранг гуллар, декорацияли ландшафтлар баҳор нафасини бериб турарди. Шаҳардан бир оз четда бўлгани учунми, ҳавоси мусалло, осмон ҳам тиниқ. Шундай манзара фонида эса йўлнинг икки чети бўйлаб қардош биродарларимиз — қозоқ, туркман, қирғиз, тоjik, озар халқларининг байроқлари ўзимизники билан ёнма-ён ҳилпираб турибди. Яқдиллик, бирдамлик руҳини бериб турган манзара шаҳар ичида ҳам давом этди. Бу кўп миллатли юртимизда истиқомат қилаётган қардош биродарларимиз қалбини ҳам ўзгача тўқинлантиргани рост.

Ана шундай кайфиятда еттинчи бор ўтказилган Маслаҳат учрашувининг руҳи ўзгача бўлгани таъкидланмоқда. Аллақачон умумий мақсадлар йўлида биргаликда дадил қадам ташлаётган минтақа раҳбарлари бугун янада катта масалаларни ўртага ташлаб, барча соҳаларда истиқболли лойиҳаларни муҳокама қилдилар.

Давлатимиз раҳбари Маслаҳат учрашувидagi нутқидa таъкидлаганидек, минтақа жаҳон иқтисодиётига фаол интеграциялашмоқда, инвестициявий жозибдорлик ошиб, учинчи бозорларга экспорт имкониятлари кенгайиб борапти, транзит салоҳияти ўсмоқда. Хусусан, ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 10,7 миллиард долларга етган. Минтақага киритилган инвестиция умумий ҳажми эса 17 фoиз кўпайган. Учрашувда савдо ҳажмини икки баробар ошириш мақсад қилинди.

Яъни минтақанинг умумий мақсадлари қаторида иқтисодий ривожланиш омиллари етакчилардан бири саналади. Ўзарo савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, транзит



Тараққиёт одимлари

Ўзарo яқдилликка асосланган имкониятлар чорраҳаси тadbиркорлар учун ҳам янги даврни бошлаб бермоқда



йўлларни барпо этиш, транспорт-логистика, экспорт ва импорт масалаларида қўлай, барча учун манфаатли келишувларга эришиш бўйича фаол ҳаракатлар қилинмоқда. Минтақада ягона ишлаб чиқариш занжирини яратиш кўзда тутилган. Бу юртимиз ва қўшни давлатлар тadbиркорлари учун ҳам катта имконият эшикларини очади.

Ҳамкорликда муҳим босқич

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувидан олдин юртимизда ўтказилган йирик халқро бизнес-форум бунинг яққол исботи. Тошкент вилояти Бўстонлик туманида ўтган форум Марказий Осиё ва Озарбайжон форматига “чеғарасиз ҳамкорлик” шiori остида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Озарбайжондан вазиpлик ҳамда идоралар, савдо-саноат палаталари, йирик компаниялар ва хусусий секторнинг 300 дан ортиқ вакили қатнашди.

— Бундай форматдаги бизнес-форум юртимизда илк бор ўтказилди, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов. — Мазкур форум Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон тadbиркорларини ягона бизнес майдонида бирлаштирди. Минтақадаги иқтисодий интеграцияни янги босқичга кўтариш, савдо алоқаларини кенгайтириш ва ишбилармонлар ўртасидаги тўғридан тўғри мулоқотни кучайтиришга хизмат қиладиган майдон яратилди. Гап шундаки, Озарбайжон билан ўзарo ҳамкорлик ва ягона бозорни шакллантириш барча Марказий Осиё давлатлари учун керак. Чунки бу давлат орқали Европа бозорига чиқишимиз учун янги йўллар очилади. Қолаверса, ўзарo иқтисодий ҳамкорлик ўсишидан барча томонлар бирдек манфаатдор. Ҳозирги кунда Марказий Осиё давлатлари билан маҳсулотлар, тadbиркорлар бўйича маълумот олиш мумкин бўлган умумий платформа мавжуд эмас. Биз биргаликда умумий платформани яратмоқчимиз. Минтақада ягона ишлаб чиқариш занжирини барпо этиш, маҳаллий ҳомаёи асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, логистика ва энергетика соҳаларида ҳамкорлиқни кучайтириш бўйича

амалий тақлифлар илгари сурилди. Лойиҳаларни биргаликда амалга оширамиз.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бу галги Маслаҳат учрашувидa кўзга ташланган энг муҳим жиҳат ҳам Озарбайжон билан ўрнатилётган янги муносабатларда, десак мубoлағас бўлмайди. Хусусан, Маслаҳат учрашувидoирасида аъзо давлатлар раҳбарлари Озарбайжон Республикасини Маслаҳат учрашувлари форматига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиш тўғрисида принципиал қарор қабул қилди. “**Ушбу стратегик қадам умумий тарих, қардошлик ришталари, маънавий ва маданий яқинлик билан узвий боғланган халқларимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради**”, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бу орқали Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида мустақкам кўприк барпо этилмоқда. Мазкур жиҳат эса минтақанинг барқарорлиги, иқтисодий алоқаларни кучайтиришга ҳам хизмат қилади. Натижада Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон ўртасида товар айирбошлаш ҳажмлари ошиб, тadbиркорлар учун бизнес қилиш имкониятлари кенгайди.

— Озарбайжон Марказий Осиё давлатлари учун Европа бозорига киришда хаb вазифасини бажаради, — дейди Озарбайжон Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш агентлиги ижрочи директори Юсиф Абдуллаев. — Касий денгиз орқали Туркия, Ироқ, Эрон, Сурия каби мамлакатларга маҳсулотлар импорти ва экспорти ҳажми ортиши Европа томон учун ҳам манфаатли бўлади. Озарбайжонлик тadbиркорлар Ўзбекистонда бўлиб, ана шу имкониятлар, ҳамкорлик масалалари ҳақида фикр алмашди. Нуфузли маҳаллий компаниялар вакиллари билан бизнес учрашувлар бўлиб ўтди. Логистика, маҳсулот етказиб бериш, бозор эҳтиёжлари ва потенциал мижозлар топиш масалаларида муҳокамаp ўтказилди. Умуман, бу ерда барча соҳалардаги тadbиркорлар учун катта имкониятлар борлигига амин бўлдик. Айниқса, мамлакатдаги жадал қурилишларни инобатга олсак, қурилиш материаллари ва бошқа саноат тармоқларида ўзарo савдо қилишни ошириш учун юқори истиқболларни кўряпмиз. Давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстона муносабатлар ҳамкорлик учун мустақкам замин яратмоқда. Биз ҳам бу имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятимизни шу бозорда кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Барча учун манфаатли бозор

Маълумотларга кўра, жорий йил бошидан буён Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 15 фoиз ўсган. Ўтказилган бизнес-форум яқин вақтларда бу рақамларни янада ошириши кутиляпти. Тарихий тadbирда нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё давлатларининг энг йирик ишбилармонлари озарбайжонлик вакиллар билан мулоқотга киришди. Яъни минтақа бир бутунлиқда ҳаракат қилипти, биргаликда ривожланиш йўлидан бормоқда. Қолаверса, иштирокчи давлатларнинг ўзлари ҳам

ўзарo келишув мулоқотларини олиб борди. Янги ҳамкорлик географиясини очиш бўйича муҳим қадамлар ташланди.

— Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувидoида ўтказилган янги форматдаги бизнес-форум минтақамиз учун муҳим воқеадир, — деди Қозогистон Ташқи савдо палатаси бошқаруви раиси Мурат Каримсаков. — Бу бизнес учрашув Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий алоқалар ва қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, янги бизнес ҳамкорлик механизмларини яратишга интилаётганига гувоҳлик беради. Ана шу омиллар орқали минтақавий ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариломоқда. Сиёсий ва ҳукуматларарo муносабатдан амалиётга йўналтирилган иқтисодийетта ўтмоқдаимиз. Бунда бизнес ҳамкорлики асосий роллардан бирини ўйнайди. Ўзарo қўшма ишлаб чиқаришлар ташкил этилаётгани, бизнес алоқалар кенгайиб бораётгани, экспорт ва инвестиция ташаббуслари ривожланиётгани бунинг исботи. Масалан, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Қозогистон капиталига эга 1041 дан ортиқ корхона рўйхатдан ўтган. Қозогистонда эса Ўзбек капиталига эга 4500 дан ортиқ компания фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси Марказий Осиё бизнес доиралари фақат савдо қилиш билан чекланмай, балки ишонч, ўзарo манфаат ва узоқ мuddатли шерикликка асосланган умумий иқтисодий экотизмлар яратишга тайёрлигини кўрсатади.

Бундай алоқалардан, айниқса, тadbиркорлар ва ишбилармонлар манфаатдор. Ҳамкорлик кўлами ортиши бевосита уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари, экспортлари ҳажми кенгайишга хизмат қилади. Янги қўшма лойиҳалар пайдо бўлади, барча томонларда саноат, иқтисодийетта ривожланади. Хуллас, тadbиркорлар янада кенгроқ кўламда, кўпроқ ҳамкорлар билан ишлаб бошлайди.

— Бугун Марказий Осиё давлатлари ҳар соҳада биргаликда ривожланиш йўлидан бормоқда. Бу тарихий ҳаракат, десак адашмаймиз, — дейди қирғизистонлик тadbиркор Айдой Турсунбекова. — Минтақа раҳбарлари ҳамкорлиқни кенгайтириш йўлида кўтлаб ташаббусларни илгари суpмоқда. Биз, тadbиркорлар ҳам шунга мос тарафда қадамлар ташлаяпмиз. Бизнес-форумда бунга янада кенгроқ имконият яратилди. Ўзарo мулоқот, ишончли ҳамкорлар топиш, қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш учун бир майдонда фикр алмашдик. Айниқса, Ўзбекистонда ҳамкорлиқнинг катта салоҳиятини кўряпмиз. Чунки бу давлат сўнгги йилларда тез ва самарали ривожланиб борапти. Қўшни давлат сифатида бу ўсишни яққол кўряпмиз ва бу бизни ҳам илҳомлантиради. Ўзбекистон тажрибасини ўз шароитимизга мослаб қўллашни режалаштиряпмиз.

Бу ҳамкорликдан маҳаллий тadbиркорларимиз ҳам унумли фойдаланишга интиломоқда. Тўғри, бугунга қадар экспортимизнинг катта қисми қўшни давлатлар хиссасига тўғри келган. Аммо бугунги кун билан солиштирганда, бу етарли кўрсаткич эмас эди. Бу борада имкониятлар, салоҳият анча катта.

— Янги алоқалар янги келишувлар дегани, — дейди “МФАКТОР” лойиҳаси асосчиси Ҳасан Мамасанов. — Бугун ўзбек тadbиркорлари маҳаллий бозордан ташқари янги чегараларни забот этишга интиломоқда. Нафақат ўзимизнинг тadbиркорлар, балки Марказий Осиё давлатлари ҳамда Озарбайжон ишбилармонлари учун ҳам бу муҳим. Бугун биз ўзарo яқдилликка асосланган янги бозор, янги имкониятлар, янги манфаатлар чорраҳаси гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бу чорраҳа азалдан бўлган, аслида. Асрлар давомида Буюк ипак йўли савдо ва маданият кўприги бўлган, бугунги кунда эса у янги форматда — бизнес ҳамкорлик орқали қайта тикланимоқда. Дунё нигоҳида Марказий Осиё нафақат географик жиҳатдан, балки яқдил муносабатлар, ишончли дўстлик, мустақкам ҳамкорлик нуктаи назаридан ҳам бир бутун минтақа сифатида намоён бўлмоқда. Жаҳон бозоридa ушбу минтақага жадал ривожланиётган, инвесторлар учун қўлай ягона модель сифатида қаралаётгани бундан шунда.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тараддуд

Давлатимиз доим халқнинг ёнида. Айниқса, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлиги бор ёки оғир касал юртдошларимиз мунтазам ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

2020 йили коронавирус пандемияси дунёни ўргимчак тўридай чирмаб олган бир пайтда қўтлаб давлатлар қатори мамлакатимизда ҳам эҳтиёжманд, иқтисодий шароити оғир хонадонларга нақд пул кўринишида моддий кўмак берилди. Бу амалиёт кейин ҳам турли қўринишларда давом этди. Икки йилдан буён аҳолининг эҳтиёжманд қатламига куз-қуш мавсумида энергия тўловини тўлаш учун берилаётган бир маргалик моддий ёрдам пули шулар жумласидан. Хусусан, 2024 йили 270 минг



Ёрдам пули эҳтиёжмандларга етиб бoряптими?

сўмдан моддий ёрдам ажратилган. Бу мавсумда эса ёрдам пули ўтган йилгидан тўрт баробар оширилди.

Президентимизнинг 2025 йил 2 апрелдаги “Ёқилги-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишда эҳтиёжманд аҳолининг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, айни пайтда 2025-2026 йил иситиш мавсумида аҳолининг эҳтиёжманд қатламига 1 миллион сўмдан бир маргалик моддий ёрдам тўлаш жараёни давом этапти.



Куз-қуш мавсумида ётнгарчилик бўлиши, ҳаво ҳарорати пасайиши тўғрйли юртдошларимиз электр энергияси, газ ва бошқа энергия

маҳсулотларидан одадтагидан кўпроқ фойдаланади. Табиийки, бу тўловнинг ортишига ҳам сабаб бўлади. Бундан ташқари, қалин кийим-кечаклар сотиб олиш ва бошқа харажатлар ҳам эҳтиёжманд оилаларни мураккаб аҳволга солиши мумкин. Мана шундай вазиятда давлат ажратаётган маблағ кўчлиқнинг жонига ора қиради.

— Ушбу ёрдам пули, биринчи ўринда, Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ёки Камбағал оилалар реестрига киритилган 822 минг кишига берилади, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мутахассиси Мадина Азизова. — Шунингдек, “маҳалла еттилиги” ҳулосасига кўра, турли аҳоли қатламларига, жумладан, камбағалликка қайта тушиш эҳтимолли юқори ҳамда боқувчисини йўқотган оилалар, кексалар, ногиронлиги борлар ва оғир касаллар яшайдиган хонадонларга тақдим этилади. Рўйхатга газ таъминоти мавжуд бўлмаган 2000 дан ортиқ кўп қаватли уйда истиқомат қилувчилар ҳамда бир хонадонда уч ва ундан ортиқ оила бўлиб яшовчи 26 мингта оила ҳам киритилган. Моддий ёрдам пулини беришда аҳоли орасида фақат нафақа ёки пенсия ҳисобига яшовчилар, кўмакка муҳтож ва оила боқувчиси хорижда ишлаётганларнинг ижтимоий ҳолати ҳам инобатга олинди. Натижада бир маргалик моддий ёрдам тўлаш учун 1,2 триллион сўмлик электрон тўлов рўйхати шакллантирилди.

Шу ўринда савол туғилади: ушбу маблағ ҳақиқий муҳтож юртдошларимиз қўлига етиб бoряптими? Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ёки Камбағал оилалар реестрига киритилганлар онлайн аниқланда. Аммо “маҳалла еттилиги” ҳулосасига кўра, қолган 287 минг эҳтиёжмандни аниқлашда адолат тамойиллари, шаффофлик қандай таъминланамоқда?

— Рўйхатни шакллантиришда замонавий технологиялар, рақамлаштирилган маълумотлардан унумли фойдаланилди. Натижада моддий ёрдам то маънода эҳтиёжмандларга етиб бoриши, адолат тамойиллари асосида тақсимланиши учун зарур ишлар бажарилди, — дейди Тошкент шаҳри Шайхонтоҳуси туманидаги Янгиобод маҳалласи раиси Манзура Олиева. — Ҳулоса беришдан олдин ҳар бир оиланинг мол-мулки, уй-жойи ва автотранспорт воситаси мавжудлиги махсус “скоринг” тизими орқали аниқланди. Аммо маҳаллага ёрдам пули сўраб келган юртдошларимиз орасида мол-мулкнинг бошқа бировнинг номига расмийлаштирилганлар учради. Бундай ҳолатларда “маҳалла еттилиги”нинг синчков қузатуви кўл келмоқда. Биргина мисол: яқинда турмуш ўртоғи хорижда бўлган маҳалладошларимиздан бири моддий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Аммо қузатув ва текширувларга кўра, оиланинг 2 та автомобилга ва яна қўшимча иккита уйи борлиги маълум бўлди. Ушбу маълумотга эга эканимизни эшитгандан сўнг узр сўраб, нотўғри қилишини тушуниб етди. Ҳа, муҳтожлар қолиб, олгирик қилишга уринувчилар ҳам учраб туради. “Маҳалла еттилиги” бундай ҳолатларни батафсил ўрганиб, фуқаролар орасида тегишли тушуниртишлар ўтказяпти. Фаолларимиз сазй-ҳаракати билан моддий кўмакка ҳақиқатан муҳтож бўлган 41 та оиллага ушбу ёрдам пули етказилди. Маҳалла фаоллари ва ҳудудлардаги “Исон” ижтимоий хизматлар марказлари ҳодимлари рўйхатни шакллантириш ва мабағини эгаларига етказиш жараёнида пуддан ҳам қимматлироқ тавсиялар бeряпти. Энергия тежамкор машиий техника воситалари ва “яшил энергия”



технологиялари фойдаси ҳақидаги тарғибот материаллари тарқатилётгани шулар жумласидан.

Моддий ёрдам суммаси бежиз 1 миллион сўм этиб белгиланмаган. Тахлилларга кўра, 2024-2025 йил иситиш мавсумида эҳтиёжманд оилалар ўртача 254 киловатт электр ва 514 куб метр газ исетмоп қилган. Тарифлар ошиши натижасида уларнинг харажати бу мавсумда тахминан 815 минг сўмга ортади. Тўланиши кўзда тутилган моддий ёрдам ушбу харажатни тўлиқ қўлайди.

Ёрдам пули аҳолига ноябрь ойи ичида етказиб берилиши мўлжалланган. Маблағ тижорат банклари билан ҳамкорликда эҳтиёжманд

оилаларнинг пластик картасига электрон ўтказиб бeрилмақда. Бунинг имкони бўлмаган ҳолатларда сайёр кассалар орқали хонадон эгасига нақд шаклда тақдим этиляпти.

— Банк сайёр кассаси ва маҳалла фаоллари уйимизига келиб, 1 миллион сўм моддий ёрдам пулини бериб кетди, — дейди қашқадарёлик Дилдора Маҳмаиимова. — Турмуш ўртоғим ишлагани чет элга кетган. Шу кунларда ҳаво ҳарорати анча пасайиб қолди. Биз эса ҳали болалигимизга қалин кийимлар олиб бeроп-магандик. Ёрдам пулига уларга иссиқ тутувчи кийим-кечак олдим. Энди турмуш ўртоғим пул юборса, электр энергияси, газ тўловларини тўлаймиз. Маҳалла фаоллари кунора ҳолимиздан хабар олиб туради. Давлат бeраётган имтиёз ва имкониятлар оғиримизни енгил қилипти.

Айни пайтда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, аҳоли яшаш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган. Орта қатъмас турб исхoлатлар моҳиятида ҳам ушбу эзгу га турбиди. Айниқса, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашнинг ҳар қандай усули ва тури ҳаётга таъбиқ этиляпти. Эҳтиёжманд юртдошларимиз эса бeрилаётган имтиёз ва рағбатдан оқилона фойдаланиб, даромади, яшаш шароитини янада яхшиласа, асл мақсадга эришилган бўлади.

Санжар ЭШМУРОВО,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ЎЗ ТИЗИМИДАГИ ИЛК ДАВЛАТ МАКТАБИ “ПРЕЗИДЕНТ ИҚТИДОРЛИ ФАРЗАНДЛАРИ”НИ ТАРБИЯЛАЙДИ



Жавоҳир АХМЕДОВ,
Ал-Беруний номидаги халқаро
мактаб-интернат
ижрочи директори

Бу ташаббуснинг мазмуни ёшларни ранг-баранг имкониятлар билан қўллаб, уларда глобал тафаккур, илмий изланиш маданияти ва юртта хизмат қилиш туйғусини мустахкамлашдан иборат. Хусусан, инсон капиталини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва таълим тизимини халқаро стандартларга мослаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмақда. Шунга ҳамоҳанг тарзда фаолият бошлаган Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернат иқтидорли ёшларни эрта аниқлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини халқаро стандартлар асосида янада ривожлантириш ва энг муҳими, дунё миқёсида тан олинган ТОП-50 рейтингдаги университетларга ўқишга тайёрлаш учун махсус ташкил этилган.

Ал-Беруний мактаби ўз номига мос равишда илм, тафаккур ва маънавият уйғунлигини ифодалайди. Мактаб логотипида акс этган “Қутадғу билиг” жумласи ҳам беқас эмас, яъни мактаб “саодатга элгувчи билим” мақсатини сифатида билим ва адолат, ақл ва фазилат бирлигини англатади.

Жорий йилда мактабга илк қабул жараёнлари ташкил этилиб, 16 мингдан зиёд номзод ичидан энг юқори натижа кўрсатган 60 нафар ёш ўқишга қабул қилинди. Иمتиҳонлар математика ва инглиз тили бўйича икки босқичда ҳудудлар кесимида ўтказилди.

Муассасада таълим тизими Швейцариянинг International Baccalaureate Diploma Programme дастури асосида ташкил этилган. Бу дастур дунёнинг 160 дан ортиқ давлатида эътироф этилган. Дунё бўйлаб IB тизимида фаолият юритаётган мактаблар сони 6 мингдан зиёд, уларда 1,95 миллион ўқувчи таълим олмақда. Дастур тўртта босқич — РҲР (бошланғич), МҲР (ўрта), ДР (диплом дастури) ва СР (касбий йўналиш)дан иборат бўлиб, 3 ёшдан 19 ёшгача бўлган ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишини назарда тутди.

Ал-Беруний мактаби Ўзбекистон тарихида, қолаверса, Марказий Осиёда IB Diploma Programme (ДР) дастурини амалда жорий этган илк давлат мактаби сифатида ташкил этилди. Жумладан, бутунги кунга қадар IB ташкилоти томонидан икки босқичли дастлабки баҳолаш таширфлари амалга оширилиб, мактаб унинг барча талабаларини муваффақиятли натижалар билан ўтди.

Шунингдек, бутунги кунга қадар мактаб 20 га яқин халқаро таълим ташкилоти ва етақчи университетлар билан ҳамкорлиқни йўлга қўйди. Жумладан, Австралиянинг Сидней ва Монаш университетлари, Буюк Британиянинг “Karlap International” ташкилоти ҳамда Кардифф ва Сассекс университетлари билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. АҚШнинг “Ivy League” — дунёдаги энг нуфузли университетлар иттифоқига кирувчи Гарвард, Йель, Браун, Корнелл ва Колумбия университетлари билан ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш бўйича музокаралар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, истиқболда халқаро ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, хусусан, IB ўқитувчилари малакасини ошириш, рақамли ва STEAM йўналишларини чуқурлаштириш, шу билан бирга, ўқувчиларни илм-фан ва технологиялар кесигини нуқталарда ўқитиш мақсад қилинган.



ЖАРАЁН



ЎРТА БЎҒИН КАДРЛАРИ ЎЎТАЙЎЛДА ҚОЛМАЙДИ

Давлатимиз раҳбари шу йил 15 сентябрь куни Бўстонлиқда ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқотида касбий таълим масаласига алоҳида тўхталди. Тизимдаги камчиликлар тилга олиниб, касбга ўқитишга етарли даражада эътибор берилмгани айтилди. Соҳага жиддий ёндашувнинг амалий ифодаси ўларок, 2026 йил тизимда Ёшларни замонавий касб-хунарга ўргатиш йили бўлиши таъкидланди.

Энди касб ёки олий таълимга йўналтириш мақсадида 9- ва 11-синф ўқувчилари учун жорий қилинадиган ягона давлат имтиҳонлари орқали 400 мингга яқин 9-синф битирувчиси техникумларга қамраб олинади. Соҳада йиғилиб қолган қатор муаммолар ечим эса яқиндагина имзоланган “Касбий таълим тизимида бошқарув самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ва “Касбий таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда кўрсатиб берилди. Энг муҳими, Касбий таълим агентлиги ташкил қилиниб, касбга ўқитишнинг яхлит механизми яратилди.

Аввал бу борада алоҳида тизим бўлмагани учун агентликдан умид катта — мамлакатимиздаги қарийб 600 та техникумга янги муҳит қилиб кутуляпти. Халқаро стандартларни жорий қилиш билан ўрта бўғинда таълим сифати, самардорлигини оширишга эришиш кўзда тутиляпти. Бу орқали 9-синфини тамомлаган ёшларнинг аниқ қарорга келолмаслиги, олийгоҳга кириолмаган битирувчиларнинг даромад илнжиди нотўғри йўللарга кириб қолиши каби салбий ҳолатларни қамайитиришга эришилади. Чунончи, саъй-ҳаракатлар ортида ҳар бир ёшнинг касб-хунар орқали даромадли қилиш, оилалар рўзгорини бўтлаш, маҳаллаларда тинчлик ҳукм суриниши таъминлангек энг натижаси турибди. Келаси йили саноятда бошланадиган қарийб 45 миллиард долларлик йирик лойиҳаларда “инвестор — тармок — техникум” занжир, дуал таълимга таянилар экан, энг аввало, касбий таълим ташкилотлари педагоглар, ишлаб чиқариш таълим усталари қўлайликлар, имтиёзлар яратишимиз керак бўлади. Шу маънода, юқоридеги фармон ва қарор даставвал уларнинг ҳаётида, шу орқали ўрта бўғин кадрларини тайёрлашда қандай ўрин тутиши юзасидан соҳа вакиллари сўхбатда тортиди. Турли касб эгаларида, ишчи кучига ҳамиша эҳтиёжманд бўлган пойтахти азимда илк сўхбатдошимиз Тошкент шаҳри Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси бошлиғи Бунёд Ражабов бўлди.

Пойтахтда бир қарич ер ҳам катта қийматга эга

Ҳозир Тошкент шаҳрида 26 та техникум (имконияти чекланган шахслар учун 2 та махсус техникум, турли мутахассисликларга ихтисослашган 24 та техникум) мавжуд. Барча ҳудудлардаги каби битта техникумимизда Буюк Британия билан ҳамкорликда халқаро ва қўшма таълим дастури жорий этилган. Сергели туманидаги Ибн Сино жамоат саломатлик техникумида Жанубий Кореянинг нуфузли олийгоҳи, Тошкент транспорт техникумида Германия билан қўшма таълим дастури йўлга қўйилган. Шу каби қўшма таълим лойиҳаларида ўқувчилар 1+2 (1 йил Ўзбекистонда, 2 йил чет элда), 2+1 (2 йил Ўзбекистонда, 1 йил чет элда) дастурлари билан 2 та дипломга эга бўлади. Бу ҳам аввал бўлмаган тажриба.

Эндиликда техникумларга фақат 11-синф эмас, 9-синф битирувчилари учун ҳам қабул бўлиши эътиборли жиҳатлардан яна бири. Уларнинг бепул ўқитилиши эса қамровни 50 фойсга чиқаришга хизмат қилади. Дуал таълимдаги энг катта янгиликлардан бири — иш жойида намуна кўрсатган ўқувчиларга стипендия берилиши. Бундан ташқари, ўқитувчи ва ўқувчиларни касбга руҳлантириш мақсадида кейинги ўқув йилидан бошлаб касбга доир танловлар ўтказилди. Шу пайтгача алоҳида касблар танлови бўлмагани сабабли соҳа вакиллари бу ангиллини илк қабул қилди. Зеро, танлов ўқувчи ёшларни, уларнинг устозларини муносиб рағбатлантиришга хизмат қилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, энди махсус фан ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълим усталари хорижга амалиёт ўташ, малака оширишга юбориш билан рағбатлантирилади. Тошкент шаҳридаги ишлаб чиқариш таълим усталари малакасини Яшнобод туманидаги ҳудудий илгор касбий маҳорат техникумида ошириб, тегишли сертификатларга эга бўлади. Барча ҳудудларда биттадан шундай намунавий техникум бўлади. У ерда энг яхши натижа кўрсатганлар, юқорида айтганимиздек, чет элга юборилади.

Яна бир муҳим жиҳат — 2030 йилгача техникумларни тутатиш, уларга тегишли ер участкалари, бино ва кўчмас мулк объектларини хусусийлаштиришга мораторий эълон қилинганидир. Айниқса, пойтахт техникумлари учун бу катта ютуқ бўлди. Чунки Тошкентда бир қарич ер ҳам катта қийматга эга. Техникум ерларини хусусийлаштиришга таққик қўйилиши битирувчиларнинг техникумларда ўқиш учун шароит яратди.

Касбий таълимни ривожлантириш учун ҳудудий тадбиркорлар кенгаши ташкил этилаётгани ҳам айнни мудида. Шаҳар ҳокими раислигидаги мазкур кенгашга фаолияти, тайёрлаётган кадрлари бозор талабига тўғри келмайдиган таълимнинг ихтисослигини ўзгартириш ваколати берилди. Яъни қайси соҳага кўп инвестиция қираётган бўлса, ўша соҳага кадр тайёрланади. Кенгаш техникумлар номини, қувватини ҳам ўзгартириши, талабга жавоб бермайдиган бўлса, вазирилик, агентлик билан қилишилган ҳолда бутунлай бошқа техникум ташкил этилиши ҳам мумкин.

Энди техникумлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни билан қўшимча маблағ олишига кенг йўл очилди. Малака, қайсидир ташкилотнинг автомобилларига хизмат кўрсатиш мумкин. Тошкент туризм ва меҳмонхона менежменти техникумида ошпазлик, қандолатчилик йўналиши

мавжуд. Техникум маҳсулотларини сотиш орқали ўз ошонасини бошқаряпти. Шу боис, бу ердаги айнни хизмат турини бошқа техникумга кўрсатиш йўлга қўйилади. Агентлик тасарруфида касбий таълим ташкилотлари моддий-техник базасини мустахкамлаш маркази ташкил қилинган ҳам мақсадга мувофиқ бўлди. Энди техникумлар капитал таъмирланиди, реконструкция қилиш бўйича инвестицион дастурларга киритилади, моддий-техник базаси яхшиланади. Бу борада ваучер тизими сақлаб қолингани ҳам бизнинг фойдамизга. Сабабин, бу бюджетдан ташқари маблағ топиб, моддий-техник базани яхшилашга, педагогларга устама беришга имкон яратди. Ўтган йилдан касбга ўқитиш марказлари ваучер тизимига ўтган. Улар ҳам энди техникум сифатида фаолият юритади. Ҳам ўқувчиларни қабул қилади, ҳам қисқа муддатли курсларни ўқитиб боради. Қисқа муддатли курсларни ўқитиш маблағи ваучер тизими асосида Бандликка кўмаклашиш жамағмаси томонидан қопланади. Техникумлар бу маблағни курс ўқитувчиларига маош, рағбат, моддий-техник базасини мустахкамлаш учун ишлатади. Техникумлар рейтингни юритилиши эса улар орасида соф рақобатни яратди. Ўйлаймизки, яқин келажақда техникумлар ҳаётида янги муҳит яратилиши, педагоглар, ишлаб чиқариш таълим усталари фаолият, ёшларда эса касб таълимига қизиқишнинг сезиларли даражада ортагига гувоҳ бўламиз.

Мақсадли кўрсаткичлар амалга ошса...

Тошкент вилояти Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси бошлиғи Насиба Қулбекова билан болганан пайтимиз опа бекободлик касбий таълим устозлари билан Хитойда хизмат сафарида экан. Суныйи интеллект ва замонавий технологиялар борасида хитойликлар билан ҳамкорлик йўлга қўйлаётганини эшитиб хурсанд бўлди. Интервьюни Хитой тажрибаси билан бойитган ҳолда берар экансиз-да



дедик ҳазилмуз. Сўхбатимиз узок давом этди. Айтганимиздек, гап орасида Хитой тажрибаси ҳам тилга олинди.

— Касбий таълим соҳасидаги ҳар иккала янги ҳужжат тарихий аҳамиятга мولик десак, хато бўлмайди. Чунки улар орқали аниқ мақсадли кўрсаткичлар белгиланб берилди. Касбий таълим сифати, мазмунини ошириш дейсизми, моддий-техник базани мустахкамлашми, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим устаси малакасини ошириш бўладики, умуман, тизимдаги бирорта муаммо эътибордан четда қолмади. Зеро, бутун ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш энг муҳим масалалардан бири. Биргина “9-синф битирувчиларининг қарийб 50 фойзини техникумларга қамраб оламиз”, деган гапининг ўзи ўрта бўғинга бўлган алоҳида эътиборни кўрсатади.

Хитойдаги ўрганишларимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, болани боғча ёшидан бошлаб касбларга йўналтириш, унда касблар ҳақидаги илк тасаввурларни уйғотиш керак. Хитой боғчаларида касбларни улуғловчи, касбларга йўналтирувчи хоналарни кўрдик. Болалар ўзларини келажақда қайси касбда тасаввур қилса, ўшани эгалашга интилади. Шу маънода, энди боғча ёшидаги болаларимизга “Атрофимиздаги касблар” дастури билан илк тасаввурларни сингдириб боришимиз мақсадга мувофиқ. Бошланғич синф ўқувчилари “Касблар алифбоси” ёрдамида касбларнинг аҳамиятини тушунаса, 5-7-синфларда “Касблар олами” дастури уларни касбий танловга тайёрлайди.

Вилоятимиздаги 7 та техникумда халқаро ва қўшма таълим дастурлари жорий этилган. Чирчиқ, Пскент, Ўрта Чирчиқда Эстония, Германия билан пайвандчилар тайёрлаш йўлга қўйилган. Янгийўл шаҳридаги жамоат саломатлиги техникумида “Глобал гейт” лойиҳасини жорий қилганмиз. Ангрэн шаҳридаги технологиялар техникумига Россиянинг йирик корхонаси томонидан инвестиция киритилиб, ўқув биноси, ётоқхоналар қайта жиҳозланди, моддий-техник базаси мустахкамланди.

Хитойда эса Шимоли-шарқий электр энергетикаси университети билан суныйи интеллект ва замонавий технологиялар борасида ҳамкорлик меморандумини имзолдик. Унга кўра, энергетика, қайта тикланувчи энергия, ақли технологиялар, суныйи интеллект академик мобиллик дастури доирасида талабалар, профессор-ўқитувчилар алмашинуви бўлади, қўшма таълим дастури ташкил этилади.

Тажрибамиз билан ишонччи оқлаймиз

Гуллар шаҳри Наманган нафақат гўзаллиги, балки меҳнаткаш элнинг касб-кори, турфа хунари билан ҳам дондор. Ёшлари интилувчан, бири икки қиламан дейдиган. Вилоятда 50 га яқин касбий таълим ташкилоти бор. Уларда 2 мингдан зиёд устоз таълим бериб келмоқда. Вилоятнинг касбий таълимга масъул Абдулахад Гаффоров ҳам хизмат сафари билан Германияга отланиб турган экан. Шунинг учун сўхбатдошимиз билан асосан халқаро ҳамкорлик ҳақида фикр алмашдик.

— Давлатимиз раҳбари қарори билан энди техникумлар ўз ташаббуси билан халқаро таълим ташкилотлари билан қўшма таълим дастурларини жорий эта олади. Шу маънода, келгуси ўқув йилида Хитой билан қишлоқ хўжалиги машиналари ва автомобилсозлик, ахборот технологиялари, асарларчилик бўйича халқаро таълим дастурлари жорий қилиш режалаштириляпти. Германиядаги касбий таълим ва малака ошириш маркази (“ZAW-Leipzig”) билан ҳамкорликда Наманган шаҳри, Косонсой ва Янгикўрган туманида электротехника, ахборот ишлов бериш ва гастрономия (ошпазлик) бўйича таълим дастурларини жорий этиш мақсадида делегациямиз ушбу давлатга сафар қилди.

Дуал таълимга алоҳида эътибор берилляпти. Энди бу таълим шакли 5 баробар оширилиши айтилди. Шундан келиб чиқиб, 2025-2026 ўқув йилида 44 та касбий таълим ташкилотимизда дуал таълимга ўтилади. 43 та касб ва мутахассислик бўйича 7 мингга яқин ўқувчи таълим олмақда. Дуал таълим бўйича мингдан зиёд иш бериувчи корхона (ташкилот) билан шартномалар тузилиб, қарийб 2 минг ўқувчи иш ҳақи олган ҳолда ўқияпти.

Фармонда машғулотларнинг миллий классифика-торидидаги касб ва лавозимлар учун белгиланган малака даражасига мос диплом ёки малака сертификатига эга ҳодимларни ишга қабул қилиш тизими 2027 йил 1 январдан бошлаб туризм, космология ва умумий овқатланиш соҳаларидаги касб ва лавозимлар бўйича, 1 июндан қурилди соҳасидаги касб ва лавозимлар бўйича Наманган вилоятида тажриба сифатида йўлга қўйилиши ўқитувчи-педагогларимизга катта ишончлидир. Педагогларимиз, ишлаб чиқариш таълим усталари айна пайтда бу ишонч-ни оқлаш учун бел болаган.

Ҳа, бугун касбий таълимга эътибор ҳар қачонгидан зиёда, мақсадларимиз ўлкан. Бир йил ичида 100 та техникумда Германия, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия каби давлатларнинг таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши, уларнинг энг илгор касбий таълим дастурлари жорий қилиниши ҳам бутнинг ёрқин ифодаси. Мақолага Швейцариянинг Ўзбекистондаги касбий таълим ислохотларини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси раҳбари Симона Страбсбургнинг қуйидаги фикрларини хулоса ўрнида келтиришни жоиз билдик:

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда касб-хунар таълимида қўллаб-қувватлаш алоҳида оширилляпти. Янги қабул қилинган қарорларда хусусий секторни фақат олийгоҳлар битирувчиларига эмас, амалий кўникмага эга бўлган касбий таълим ташкилотлари битирувчиларига ҳам жалб этиш бўйича чора-тадбирлар белгилангани бизни қувонтиради. Зеро, Швейцарияда ҳам мактаб битирувчиларининг учдан икки қисми касб-хунар таълимни танлайди. Тизим тўғри йўлга қўйилган бўлса, бу ёшлар учун истиқболли танлов.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

